ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

**Ислом КАРИМОВ**

# IJODIY PARVOZ

*1(45)-сон, 2017 йил*

**O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi**

## *2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили*




***"XXI аср – интеллектуал ёшлар асри" V ёш олим ва талабаларнинг илмий-амалий конференция иштирокчилари.*** *Институтимиз талабаси Сирожиддин Рустамов(ўртада).*

**Мансур БЕКМУРОДОВ,**
**социология фанлари доктори, профессор**

## ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Демократия кўпчиликнинг иродасини ифода этиш асносида бугунги кунда унга аҳамиятсиз, аммо эртанги кунда ўта долзарб бўладиган муаммолар, хусусан экологик муаммолар ўта индустриаллашув натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳаётга технократик ёндашувлар, миллий қадриятларга беписанда ёндашув, она тилидан бегоналашув, ахборот алмашувининг вертуаллашуви натижасида одамлараро мулоқат ва айниқса инсоний меҳр-оқибатнинг сусайиши сингари масалалардаги малакали озчиликнинг фикрларини ҳисобга олишда бир мунча заифлигини ҳам намоён этди.

Шу боисдан ҳам бугунги кунда ғарбона демократиянинг одамлараро мулоқотини мустаҳкамлашдаги заифлиги ижтимоий-маънавий таназзулида ўринли эътирозлар илгари сурилмоқда. Афсуски замонавий ахборот етказиш технологиялари ғарбона дунёқарашни жадал кенгайишига қулай шароитлар яратиб бермоқда. Ахборотни оммалаштириш баҳсида бошқа йўналишдаги дунёқарашлар, эътиқодий талқинлар, миллий, анъанавий ёндашувлар ғарбона демократия суръатларидан ортда қолмоқда.

Мафкуравий иммунитет эса халқимизнинг уч минг йиллик тарихи, буюк мутафаккирлар даҳоларини яхши билишлари маданий обидалар, муқаддас зиёратгоҳларни қадрият деб билишлари, ва энг муҳим миллий адабиётимиз намуналарини пухта ўқиб ўзлаштиришлари негизида шаклланади. Шу боис ҳам 2017 йилни **"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари"** йили деб аталишида чуқур маъномазмун мужассамдир.

Ўзбекистон Президенти сайлови якунлари янги тараққиёт босқичига йўл очди. Бу бочкич ўзининг жадал тараққиёт хусусияти, адолат тамойилининг устуворлиги, тадбиркорлик характатига кенг йўл очилиши энг муҳими ҳамма нарсада халқ манфаатларини ўйлаб иш тутишга йўналганлиги билан характерланади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларини жуда чуқур биладиган ҳар бир соҳа ривожи, бу ривожнинг барқарор ва жадал кечиши бўйича реал дастурларга эга бўлган йирик давлат арбоби. Шавкат Мирзиёев бутун Ўзбекистонни ўз ғоялари атрофида мустаҳкам бирлаштира оладиган лидер харизматик шахс. У Бош вазир ҳамда Президентлик ваколатини вақтинча бошқариш даврида ўзининг тўғри ишлари, ҳар бир сўзида қатъият, самимият ишончи билан бутун халқнинг қалбидан жой олди. Узидаги ишончни бутун халқ ишончига айлантира олди.

Ш.М.Мирзиёев тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VIII съездида қилган маърузасида одамлар билан самарали мулоқот қилиш учун биринчи навбатда барча даражадаги раҳбар ва масъул ходимларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари билан ишлашга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак. Одамлар билан уларнинг тилида гаплашиш керак, дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал этишнинг самарали усулларини жорий этиш устида жиддий бош қотиришимиз зарур" – деб алоҳида таъкидладилар.

Биринчидан, одамлар ҳаётида юз берган ва юз бериши кутилаётган ҳар бир ҳолат ва вазият бўйича ҳоким, ички ишлар бўлими бошлиғи ва уларнинг аҳоли олдида ҳисобот беришини кўзда тутадиган янги тизим жорий этилади.

Иккинчидан, халқ билан самарадорлигини таъминлаш учун айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ҳамда уларнинг одамларнинг эҳтиёжлари ва ҳақли талабларига бўлган бефарқликларидир.

**> 2-бет.**

## ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР

***Сохталик санъати йироқдир мендан,***
***Виждоним олдида ҳатто шамшод лом.***
***Кимгадир ким кўнгил боғласа чиндан,***
***Қошида энтикиб, айтолмас калом.***

***Рангини йўқотар жимжима сўзлар,***
***Ҳис-туйғу юкидан ёмғир бўлар тер.***
***Ватанни шу қадар севаман, дўстлар,***
***Шунинг-чун у ҳақда ёзолмайман шеър...***

**Абдурауф ЗОКИРОВ,**
**"Саҳна ва экран санъати драматургияси" йўналиши 2-босқич талабаси**

## СИЗНИ МИНБАР КУТМОҚДА!

12-13-январь кунлари Тошкент Молия институтида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Ўзбекистон "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигидаги "XXI аср – интеллектуал авлод асри" шиори остида ёш олим ва талабаларнинг V республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция 2016 йил давомида бутун Республика бўйлаб фаолият олиб борди. Жами 1576 нафар ёш олим ва талабалар сафидан 122 нафар ғолиблар конференциянинг республика босқичида тўпландилар. Конференция ўз ишини 4 та шўбада олиб борди. "Ижтимоий-гуманитар" йўналишда институтимизнинг "Саҳна ва экран санъати драматургияси" 4-босқич талабаси Сирожиддин Рустамов ҳам иштирок этди. Талабамиз "Олий таълим муассасалари микёсида ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий кўрик-танловларга интеллектуал ёндашувлар" мавзусидаги маърузасини ҳимоя қилди ва бу конференция иштирокчилари, эксперт сифатида танланган ЎзФА академиклари ва профессорлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Тадбир сўнгида Сирожиддин Рустамов конференциянинг асосий сертификати ва махсус совринлар билан тақдирланди. Ғолиб иштирокчиларнинг маърузалари тўплам ҳолида тарқатилди. Бунда институтимизнинг Илмий ишлар бўйича проректори Гўзал Холиқулова ҳамда "Кино, телевидение ва радио санъати" факультети декани Зоя Арисланбаеваларнинг ҳиссаси беқиёс.

Конференциянинг юқори савияда ташкил этилгани ва муносиб иштирок этган талабамизнинг бундан кейинги изланишларига ўзининг ижобий натижасини кўрсатиши шубҳасиз.

**Муаззам НИШОНБОЕВА,**
**"Саҳна ва экран санъати драматургияси" йўналиши 2-босқич талабаси**

**Мансур БЕКМУРОДОВ,**
**социология фанлари доктори, профессор**

# ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Шунинг учун фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлатнинг халққа нисбатан асосий мажбуриятларидан бири эканлигини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев.

Ўз ўзидан аён бўлаяптики. раҳбарлар мунтазам равишда халқ орасида бўлиб, шахсий қабул кунларини ташкил этиш, жойлардаги муаммоларни ҳал этишлари зарур.

Маърузада халқ билан мулоқотнинг инсон манфаатларига уйғун ва чамбарчас боғлиқ эканлиги назарда тутилиб раҳбарларга тегишли муҳим вазифалар белгиланди: Бундан кейин раҳбарлар фаолиятига биринчи навбатда улар бошқараётган ҳудуддаги аҳолидан тушаётган мурожаатлар сони, уларнинг халқ ичида юриши, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимига қараб баҳо бериш.

Ватанимизда инсон манфаатларининг ҳамма жиҳатдан устуворлигини таъминлаши фақат объектив эмас балки субъектив омилларга ҳам бевосита боғлиқдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишда, хусусан демократик ислоҳотларнинг фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин эгаллайди. Фуқаролик институтлари орасида маҳалла институти катта мавқе ва мартабага эга бўлиб, қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилса ўша ерда фуқаролар билан яқин хамкорлик ўрнатилади ва ҳамжихатлик, мехроқибат муҳити барқарор ўрнатилиши шубҳасиздир.

Шу боис ҳам маҳаллани жойларда аҳолининг маслакдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса "адолат тарозисига айланиши, ҳеч шубхасиз одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди" дейди.

Маърузада нотиқ масъулият масаласига алоҳида аҳамият қаратди. Яъни, гарчи фаолият одамларнинг якдиллиги, мақсад йўлидаги мустахкам бирлашувнинг махсули бўлсада, бу ишнинг қандай натижаларга олиб келиши, сифат учун мутасадди шахслар билан бирга жамоанинг ҳар аъзоси масъулиятли эканлигига урғу берилди. "Ишни жамоа бўлиб бажарсак ҳам унинг натижаси учун ҳар биримиз шахсан жавоб беришимиз шарт"

Одамлар билан мулоқот ва инсон манфатларини ҳимоя қилиш замон руҳини, ватан иқболи ва инсон кўнглини хис этишга бевосита боғлиқдир. Шу пайтгача бўлган ҳолат таҳлили мутасадди раҳбарларнинг англаш даражаси сустлигини ифодалаб мазкур масаланинг нечоғли қониқарсиз бўлиб келганлигини кўрсатади. Шу йилнинг ўзида юқори идораларга келиб тушган ариза шикоят ва мурожаатларнинг умумий сони 338 мингтани ташкил этгани ҳам жойларда одамларнинг дарду ташвишлари билан хеч бир мутасадди раҳбар астойдил шуғулланмаётганини кўрсатади. Ҳаёт, ижтимоий жараёнларга бўлган ёндошув ва умуман замон ўзгарганини чуқур хис этиладиган вақт келганини теран тушуниб олиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Давлатимиз раҳбари муаммони ҳал этишнинг асосий йўли ишчан, адолатли, халқ дардини ўзининг дарди деб биладиган кадрларга бевосита боғлиқ эканлигини асослайди. "Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган ватанпарвар ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан давлат бошқарувида сифат ўзариши юз бермайди. Содда қилиб айтганда халқ давлат органларига эмас балки давлат оранлари халқимизга хизмат қиладиган вақт келди"

## "Камолот" совриндорлари

# ИҚТИДОРЛИ ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАР

## давлатимиз томонидан доим рағбатлантириб келинади

"Камолот" стипендияси учун танлов 2002 йилдан буён ўтказиб келинади. Бу стипендия талабаларга ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасасидаги ёки ҳудудий "Камолот" ЁИҲ фаолиятини самарали ташкил этишдаги фаоллиги, ташаббускорлиги, Ҳаракат томонидан амалга оширилган лойиҳаларда иштирок этиб, фахрли натижаларга эришганлиги, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигига қараб бериладиган мукофотдир.

Стипендия учун танлов уч босқичда ташкил этилади. Биринчи босқичда иштирокчиларнинг анкета ва ҳужжатлари қабул қилинади. Ушбу танловда иштирок этишни истаган талабалар Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари, вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига ўз ҳужжатларини тақдим этади.

Иккинчиси, саралаш босқичи бўлиб, Республикадаги барча олий таълим муассасаларидан келган иштирокчиларнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилади ҳамда ҳар бир олий таълим муассасаларидан 5 нафаргача муносиб номздодлар саралаб олинади.

Якуний босқичда иштирокчиларнинг фаоллиги, ижтимоий-сиёсий, маънавий саводхонлиги баҳоланади. Жорий йилда ҳам мазкур танловга 567 нафар олий таълим муассасаларидаги талабалар иштирок этиш учун мурожаат қилган ва Республика комиссияси томонидан иштирокчилар баҳоланиб, улардан 108 нафар талаба "Камолот" стипендияси" танловининг совриндорлари бўлишди. Шунингдек, институтимиздан ўзининг фаол ташаббуси ва қобилияти билан талабалар орасида намуна кўрсатиб келаётган 5 нафар талабанинг ушбу стипендия учун номзоди кўрсатилган эди. Шундан, 3 нафари мазкур стипендияга муносиб деб топилди.

– Давлатимизнинг биз ёшларга бераётган эътибор ва ғамхўрлигини бирор бир нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айниқса, янгидан янги ғоялар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашини бизни янада фаол бўлишга, иқтидор ва қобилиятларимизни тўлиқ ишга солишга замин яратади, – **дейди "Халқ ижодиёти" факультети "Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш" бўлими 3-босқич талабаси Наргиза Сайдуллаева.** – Мен ҳам ушбу стипендияга эга бўлиш учун "Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида чет тилларини ривожлантириш мақсадида хорижий тилларда Эркин Воҳидов хотирасига бағишланган «Шоир ва замон» лойиҳасини тақдим этдим. Билим олиш илм-фан чўққиларини эгаллаш, энг замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштириш, бизнес соҳасини ривожлантиришда, спорт майдонларида Ўзбекистоннинг шуҳратини тараннум этишда барчага намуна бўлаётганимиз бутун ўзбек халқини қувонтиради, албатта. "Камолот" стипендияси ўз қобилиятимни рўёбга чиқаришим ва янада юксак марраларни забт этишимда менга куч бағишлайди.

– Барчамизга яхши маълумки, бугунги кунда кино маънавий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда, – ***дейди «Кино, телевидение ва радио санъати» факультети «Кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги» бўлими 2-босқич талабаси Шоҳида Эшмаматова.*** – Шу сабабли, унинг зиммасига муҳим масъулият юкланган. Биринчи Президентимиз И.Каримов раҳнамолигида миллий санъатимизни ривожлантириш йўлида изчил ишлар амалга оширилиб борилган. Яъни, мазкур соҳа ёш вакилларининг малакасини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, халқимизни айниқса, навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи бадиий етук асарлар яратишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис мен ҳам барча шароитлари муҳайё бўлган олийгоҳ талабаси сифатида кино соҳасидаги олиб борилаётган жараёнларга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида лойиҳа ишлаб чиқдим ва унинг мазмуни, кино соҳасида ёш мутахассислар маҳоратини ошириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ қошида тажриба мактабини ташкил этишдан иборатдир.

– Мен ҳам «Театршунос ва драматурглар маҳорат мактаблари» номли лойиҳам билан иштирок этиб, стипендия соҳибаси бўлдим. Лойиҳамни мақсади ёшларнинг театр маданиятини шакллантириш ва



Ситора Асқарова



Шоҳида Эшмаматова



Наргиза Сайдуллаева

қизиқишларини ошириш, театр саҳнасига ҳозирги куннинг долзарб муаммоларни акс этган ҳамда маънавий онгни юксалтирувчи асарларни олиб чиқишдан иборатдир. Бу ютуқ мени лойиҳам устида янада фаол ишлашимни, бор билим ва маҳоратимни ишга солишга туртки бўлади, – ***дейди «Кино, телевидение ва радио санъати» факультети «Санъатшунослик ва театршунослик» бўлими 3-босқич талабаси Ситора Асқарова.***

**Шундан сўнг биз "Камолот" ЁИҲ БТ етакчисига юзландик.**

– Институтимизда ўқув тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, талабалар ўртасида "Камолот" ЁИҲ нинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш борасида факультет ва гуруҳ сардорлари, кўмак гуруҳи аъзолари билан ҳамкорликда Низом ва дастур ишлаб чиқканмиз ҳамда шу асосда иш олиб борамиз.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш , уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ўз вақтида ечишда кўмаклашиш, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш орқали талай ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. Жумладан, "Ёшлар ва қонун" тарғибот лойиҳаси асосида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш, ҳар хил диний оқимлар, зарарли ғояларга қарши курашиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, буюк алломаларимизнинг маънавий меросини ўрганишга қаратилган танловлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, талабаларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида "Тафаккур синовлари" Республика танловларига жалб этиш, "Зулфия", "Ниҳол" мукофотлари, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, турли хил Давлат стипедияларига тавсия этиш, "Юрт келажаги", "Ягонасан муқаддас Ватан" каби Республика танловлари тарғиботини кучайтиришга қаратилган барча кенг қамровли тадбирларимиз талабаларни ҳар томонлама маданий ва маърифий жиҳатдан руҳлантириб, янги-янги лойиҳа ва режалар устида ишлашларига пухта замин яратилаяпти десам, муболаға бўлмайди, – дейди биз билан бўлган суҳбатда ташкилот етакчиси **Камолиддин Исаев.**

**Биз суҳбат жараёнида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Камолиддин Исаевнинг иш режа асосида олиб бораётган ишлари самарасидан ниҳоятда мамнун бўлдик.**

Куни кеча «Камолот» ЁИҲнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти Кенгашлари ўртасида «BRAIN COUNCIL» интеллектуал ўйинининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот Кенгаши аъзолари ва факультет сардорлари ўзаро беллашишди. Ушбу беллашувда институтимизнинг «Erudit» жамоаси ҳам фаолликни қўлдан бермай, биринчи ўрин ғолибига айланди ва шаҳар босқичига йўлланма олди.

Бундай тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиб борилиши, айниқса, "Камолот" ЁИҲнинг таҳсинга лойиқ ишлари баробарида талаба ёшларнинг ижтимоий йирик лойиҳаларда фаол иштирок этиб, катта-катта ютуқларни қўлга киритишларида омад, ўқишларида муваффақият, ўзларига эса куч, ирода, соғлик тилаймиз.

**Муҳаррам БОЗОРОВА,**
**"Саҳна ва экран санъати драматургияси" йўналиши 2-босқич талабаси**

# МУЗЫКА ПЕДАГОГИКАСЫНЫҢ ТӘЛИМ-ТӘРБИЯЛЫҚ ӘҲМИЙЕТИ

**Күнделикли педагогикалық жумыс тәжирийбесинде тәлим ҳәм тәрбияның бирлиги дәрҳал көзге тасланады. Егерде тәрбия ҳәм оқытыў процеслериниң тийкарғы ўазыйпаларына нәзер салсақ, олар биргеликли түрде үш функцияны: тәлим бериўшилик, тәрбия ҳәм рауажланыўшылық функцияларын атқаратуғынын көремиз. Ҳақыйқатында да ҳәзирги заман реаллығында оқытыў тәрбиясыз болыўы, ал тәрбия процесси билим бериўсиз өтиўи мүмкин емес. Олардың арасындағы байланыс билимлендириўдиң раўажландырыўшылық функциясын әмелге асырыў ушын тийкар болады. Оқытыў билим бериў функциясының орынланыўына, ал тәрбия процесси жеке шахсты тәрбиялаўға көбрек үлес қосады. Жеке шахс тәрбиясында музыкалық тәрбияның әҳмийети оғада күшли.**

Музыкалық тәрбияға қойылатуғын талаплар төмендегилер менен анықланады.

1. Мектеп оқыўшыларының ҳақыйқый көркем музыканы ийелеўине бағдарланған педагогиқалық процесс, шахстың қәлиплесиўине тиккелей тәсир етиўши музыканың мазмунлық қураўшысы менен келтирилип шығарылыўы тийис.

2. Биринши класстан баслап мектеп оқыўшыларында музыка мәденияты сабағында халық намалары ҳәм қосықлары ҳаққында кең ҳәм әпиуайы түрде түсиндириў, сондай-ақ музыка өнери шынлықты сәўлелендириўдиў айрықша формасы спатында қаралыўы ҳаққында түсиниклердиң қәлиплестирилиўи керек.

Булар музыкалық тәлимге ҳәм тәрбияға бир пүтинлик түрде қатнас жасаў тийкарын қурайды. Жеке адам жәмийетлик турмыс жемиси болыўы менен бирге тири организм есапланабы.Организмниң тиришилиги биологик нызамларға бойсынады. Биринши гезекте нерв системасының қәсийетлери оның жүзеге келтиретуғын темперамент өзгешеликлери себепли инсанның пүткил минез қулқы өзгешеликке ийе болса, екиншиден жеке адамның сенсорлық шөлкемлескенлиги тийкарында айырым сезиўлери, соның ишинде музыкалық еситиў искерлик уқыплықларыда өзгеликке ийе болады.Жеке адамды қәлиплестириў ҳәм раўажландырыў мәселесине дурыс қатнас жасаў ушын жеке адамның тәбиятын, оның минез-қулқ себеплерин ҳәм оған тәсир етиў қуралларын билиў керек болады.

Сөз жоқ инсанның шахс спатында камалға келиўинде жәмийетлик орталықтың әхмийети оғада жоқары. Себеби жәмийетлик орталық материяллық байлық, тәртип, идеология, искусство, музыка, ўақыт-ўақыт тәсир етиў қураллары кино, театр, мәдений дөгереклер ҳәм басқалар әтираптағы адамлар менен бәрқулла байланыста болыўыды өз ишине алады. Булардың барлығы бизиң социяллық болмысымызға тәсирин тийгизеди. Өсип киятырған жас әўладларда ең жақсы инсаный спатларды пайда етиў ушын усы тәсирлер жәмийет мәпинен келип шыққан ҳалда әмелге асырылыўы тийис. Сондай-ақ орталықта унамсыз тәсирлерде болыўы мүмкин екенлигин умытпаў керек. Орталықтың унамсыз тәсири тек ғана қарым-қатнас мәденияты бағдарында емес, ал барлық бағдарларда, соның ишинде музыка мәденияты бағдарында айрықша жасырын өтеди. Мәселен, жәмийетлик орталыққа көркемлик дәрежеси төмен болған музыканы, ямаса қосық тарқатып, оның дерлик «мода» болыўына ерисиўге умтылыў. Мине булар раўажланып киятырған жас әўладқа кери тәсир жасайды. Бундай тәсирлерден сақлап қалыў ушын орталық тәсирин тәртипке салыў, унамсыз тәсирге иммунитет пайда етиў зәрүр. Солай екен бул ҳәзирги заман реаллығында дурыс жол таба алатуған адамды қәлиплестириўди, музыкалық ҳәм басқада тәрбия мәселелерин жаңаша қатнаста қарап шығыўды, зәрүр болғанда қайта қурыўды талап етеди.

Оқыў процесиниң барлық басқышларында оқытыўшы барқулла шөлкемлестириўши жетекшилик ҳәм басқарыўшылық ролин атқарады. Жеке адамның шахс сыпатында қәлиплесиўи, ақылый камалға келиўи менен ҳарактерленеди. Ақылый камалға келгенликтиң белгиси оқыушының билимге кызығыўы ҳәм оларға болған талабының артыўы менен көзге тасланады. Бундай тәлим тәрбия арқалы пайда етилген «раўажланыў келеси басқышта оқыў ҳәм тәрбияланыў қолайлы шарият жаратады». Музыкалық тәлимде биринши орында эстетикалық тәрбия әмелге асырылады.

Эстетикалық тәрбия тәбиятағы, жәмийеттеги, искусстводағы адамлардың минез қулқындағы гоззаллықты дурыс кабыллаўын, түсиниў уқыплықларын пайда етиўши ҳәм раўажланыўын тәминлеўши тәрбияның бир түри. Бунда жеке адамда эстетикалық сананың қәлиплестирилиўинде айрықша кеўил бөлинеди.

Музыкалық-эстетикалық тәрбияның қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўы халықтың мың әсирлик тарийхы менен тығыз байланыслы. Басқа халықлар сыяқлы қарақалпақ халқының өз мәденияты, искусствосы, сиясий-экономикалық тарийхы, географиялық жайласыўы, руўхый мәденияты, өзине тән жасаў-жағдайлары, халықтың қолланбалы өнери, халық қосықлары ҳәм намалары, үрип-әдетлери, халықтың жаслары тәрбиясындағы көз-қарас пикирлери бар.

Сонлықтанда халық дөретпесиниң усындай түри халықтың үрип-әдет дәстүрлер менен ойын-заўқылары ҳәм тағы басқда үйлесимли түрлери жүзеге келди. Ал оның көплеген элементлери халықтың өмиринде болғанлығы менен, оның ҳәзирги өзимиз билген дәрежедеги түри болған деўмизге болмайды. Себеби айрым элементлерин өзгертилген ямаса умытлып жоғалып кеткен де болыўы мүмкин. Демек қарақалапқ халқының руўхый байлығы мәденияты жетерли дәрежеде сақланып қалды ҳәм ҳәзирги ғәресизлик дәўиринде оны еледе раўажландырыўға бел байламақта.

**Гулчира ХОДЖАМЕТОВА,**
**тарийх илимлериниң кандидаты**
**ӨЗМКӨМИ Нөкис филиалы**
**оқытыўшысы**

## ТАЛАБА ДАСТХАТИ

*Бирор марта ичингизга ғулғула тушганми? Қайсидир дўстингиз газета варақлаётганини кўрганда ёки интернетда кун янгиликлари билан танишаётганда худди ҳаётдан орқада қолиб бораётгандек сезганмисиз ўзингизни? Талабалик йилларингизда ўрганишингиз керак бўлган нарсаларнинг кундан-кунга кўпайиб бораётганини англаяпсизми? Менимча, бу яхшиликка. Айтишларича, файласуфдан шогирди сўрабди: "Устоз, нега сиз шунча кўп нарса биласизу, яна кўпроқ ўқишга ҳаракат қиласиз, мен эса сиздан анча кам билимга эгаману, лекин сизчалик интилмайман?" Файласуф қўлидаги таёқча билан битта катта ва битта кичик айлана чизибди ва жавоб берибди: "Катта айлана менинг билимим, кичиги сеники. Айланага кирмаган барча қисм дунё билимлари. Энди айт-чи, катта айлананинг сирти кенг кўринадими ё кичик айлананинг? Билиб қўйгинки, айлана, яъни билим қанчалик улканлашиб борса, унинг четидаги қисмлар, яъни дунё илмларининг чексиз эканлиги ҳам шунчалик сезилиб боради, кўнгилга ғулғула солади."*

*Нима деб ўйлайсиз,* ***абитуриентликдаги интилишингиз билан ҳозирги ўқишингизнинг фарқи борми?*** *Нега у пайтда бехаловат бўлиб илм олдингиз ва ҳозир ундай эмас? Сабаби, олий мақсад ўқишга кириш эди. Тўғрими? Замонавий файласуфлардан бирининг шундай гапи бор:* ***"Аслида, ўқишга кириш бу — арзимаган иш. Биз агар шу арзимаган ишни уддалай олмасак, унда қандай қилиб буюк ишларга қўл урамиз?"*** *Азиз дўстим, ўзимизга тўғри баҳо берайлик, мақсад қилиб каттароқ маррани белгилайлик! Институтнинг шунчаки ҳавосидан нафас олиб битириб кетган талабалар жуда кўп. Унутманг, биз уларнинг каторида эмасмиз!*

*Сени кузатишар олди қаторда,*
*Ҳаёт саҳна каби*
*айланар бот-бот.*
*Минг-минг қарсак*
*билан тушувчи парда*
*Умрнинг ўткинчилигига исбот.*

*Томоша бошланган.*
*Танлаб йўлингни,*
*Саҳнага биринчи*
*қадамни қўйдинг.*
*Дўстим, бўш келмагин,*
*ўйнаб ролингни,*
*Парда тушгунича*
*улгуриб қўйгин...*

**Шавкат ДЎСТМУҲАММАД,**
**"Саҳна ва экран санъати драматургияси" йўналиши**
**2-босқич талабаси**

## Майса шивири



**Хушнуд ДАРВЕШ,**
**"Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш" йўналиши 2-босқич талабаси**

### АЙРИЛДИМ

*(Сочма)*

*Соянг эдим изларингдан*
*Айрилдим.*
*Не тақдирки кўзларингдан*
*Айрилдим.*

*Ҳамроҳ энди хаёллар.*
*Эртак энди висоллар.*
*Чорлар бўлди изларинг*
*Менсиз қайси томонлар?*
*Қайси манзил маконлар?*

*Унутолмаса,*
*Кўниколмаса,*
*Бир сени деса,*
*Юрагим.*
*Йўқотдим қай он?*
*Мен билмай ҳайрон.*
*Сенсизлик ёмон*
*Керагим.*

*Дилдан кетмайди,*
*Сенга етмайди,*
*Минг афсус бугун*
*Дийдиёларим.*

*Хуш қол севгилим,*
*Хуш бор эй гулим,*
*Янграйди маҳзун*
*Алвидоларим...*

### КЎРИШАМИЗ

*Эй кўзлари шамчироқ,*
*Эй сўзлари қўнғироқ.*
*Бамисоли қўғирчоқ,*
*Кел, бугун кўришамиз.*

*Шошил фурсат ўтмасдан,*
*Кун охирга етмасдан.*
*Ҳали қуёш ботмасдан,*
*Кел, бугун кўришамиз.*

*Суйдиришни ўргандинг,*
*Куйдиришни ўргандинг,*
*Куттиришни ўргандинг,*
*Кел, бугун кўришамиз.*

*Бахона қилиб минг бир,*
*Йўқ дема эзиб бағир.*
*Соғиниб кетдим ахир,*
*Кел, бугун кўришамиз.*

*Соғинч солиб ўртага,*
*Дема тағин эртага.*
*Тўқнашгандай жўртага,*
*Кел, бугун кўришамиз.*

*Суйдиришни ўргандинг,*
*Куйдиришни ўргандинг,*
*Ахир ваъда бергандинг.*
*Кел, бугун кўришамиз.*

### ДУНЁ ЎТДИ

*Чориғига ямоқ солмай дунё ўтди.*
*Бунда қанча юрак, бағри адо ўтди.*
*Таъмагирми у тўғрими ўтди бари,*
*Бунда гунг-у юлғич, тили бурро ўтди.*
*Девонаман дема, асли саркашликда*
*Бир Машраб-у ҳамда*
*Бобур Мирзо ўтди.*
*Мен айтарим қолар дема бунда абад.*
*То сенгача қанча кую, наво ўтди.*
*Чанг босган қор каби кекни олиб дилда,*
*Бедард номли не дарди бедаво ўтди.*
*Уни ундай, буни бундай дема Хушнуд.*
*Тозамассан, сендан ҳам кўп риё ўтди.*

# Улуғ пиллапоя муборак!

**Институт устоз ва мураббийлари орасида катта тажрибаси, етук маҳорати ва фидойилиги билан эътибор қозонган Қодир Тойирович Мирзаев ҳозирда ҳам ўз педагогик фаолияти кўламини янада бойитиб, юксак илмий ва педагогик салоҳияти билан эл-юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.**

Устоз Қодир Мирзаев 1947 йилнинг 2 январида Тошкент шаҳрида ишчи оиласида дунёга келди. 1961-1966 йиллар Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида, 1966-1971 йиллар Тошкент Давлат Консерваториясида “Хор дирижёрлиги” мутахассислиги бўйича таҳсил олди. 1971-1972 йиллар ҳарбий ашула ва рақс ансамблида хизмат қилди. 1972-1976 йилларда Ўзбек Давлат Академик Хор капелласида бош хормейстер бўлиб ишлади. Ўз фаолияти давомида жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида жумладан, Қозоғистон, Туркманистон, Украина, Россия каби давлатларда кўплаб давлат аҳамиятига молик байрам ва концертларда қатнашди. Шу билан биргаликда нафақат жамоа билан ишлаш балки режиссёрлик фаолияти билан ҳам шуғулланиб бир неча тадбирларни юқори савияда ўтишида маъсул бўлди.

Қодир Мирзаев 2012 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон давлат Санъат ва Маданият институтида фаолият олиб бориб талабалар хор жамоасини бошқариб келаяптилар. Ушбу жамоа билан ҳар йили бўлиб ўтадиган хор фестивалларида, болалар меҳрибонлик уйлари, қариялар уйларида уюштириладиган байрамларда концерт дастурлари орқали ўз тингловчиларининг кўнглидан жой олиб келмоқда. Кечагина, 2016 йилнинг 23 декабр кунида Тошкентдаги Рус прославлав маркази ташкил этган бадиий жамоалар кўрик танловида Қодир Тоирович раҳбарлигидаги бизнинг хор жамоамиз ҳам қатнашиб бир неча жамоалар билан беллашди. Асосан дастуримиздаги Б.Умеджонов қайта ишлаган еттита жўрсиз ўзбек халқ қўшиқлари ва рус халқ қўшиқлари ижросига жуда катта баҳо берилди ва хор жамоамиз биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, хор жамоалари билан олиб борган кўп йиллик тажрибаси асосида вокал-хор ижрочилик масалаларига бағишланган бир қанча китоблари, ўқув қўлланмалари ва рисолалари чоп этилган.

Устоз Қодир Мирзаев ўз касбини пухта эгаллаган фидокор ўқитувчи хормейстерлардандир. Биз талабалар дарс жараёнларида устоздан нафақат мутахассисликка оид билимларни, балки устоз-шогирд муносабатларини ҳам ўрганамиз. Шу ўринда уларнинг хор санъатининг болалар ва ёшларнинг тарбиясидаги ўрни, дунёдаги турли хор жамоалари фаолияти ҳақидаги фикрлари барчамизга чуқур сингган: “Хор инсонларни жамлайди, кўнгилларни бирлаштиради. У миллат ҳам, ёш ҳам, жинс ҳам танламайди. У инсоннинг эшитиш қобилиятини яхшилаб фикрлаш қобилиятини ўстиради. Яхши фикрли инсонлар эса ҳар доим, ҳаммага керак!” – дейди устозимиз.

Қодир Тоирович Мирзаев ҳам илм-фан ва таʼлим соҳасидаги ана шундай керакли инсонлардан. Айниқса биз каби шогирдлар устознинг ҳар бир гапларини ўзимизга ибрат билишимиз зарурдир. Аминмизки, устоз берган билимлар келажакда бизга дастурламал бўлиб хизмат қилади. Устознинг бугунги кундаги шижоатлари барқарорлигини тилаб 70 ёшни қаршилаганлари билан самимий қутлаймиз ва узоқ умр тилаймиз.

**“Вокал” кафедраси профессор-ўқитувчилари,**
**КТ: “Вокал жамоаларига раҳбарлик” бўлими 3-босқич талабаси**
**Моҳигул САЙИДОВА**

# Талабалик зангори фаслим







# Совға

**У жуда ҳам сиқилиб кетди. Ёнида пули қолмаган. Устигаустак талаба. Ётоқхонада туради. Уйдаги онасига ҳеч гап айта олмайди. Отаси ўтиб кетган. Хонадошлари хизмат сафарида (хонандалар), хуллас, таянадиган одами йўқ. Ҳеч кимдан қарз олиб бўлмайди. Ўзингда йўқ, оламда йўқ! Нон олиб келиши керак, кеч қолса тугаб қолади. Унинг 650 сўм ҳам ортиқча пули йўқ.**



Эртага курсдошининг туғилган куни. Ўтган йили унинг туғилган кунига Азамат қимматбаҳо соат совға қилган. Ўйлаб қараса қайтариш керак. Одамнинг ғурури қурсин, талабанинг олифтагарчилиги. Тонгда чўнтагида бир ойга етгулик маблағи бор эди, совғани ўйлади. Пешинга яқин бозорга жўнади. Нима олишни билмай боши қотди-ю, кўзига чиройли кўринган чет элдан келтирилган жемфер сотиб олди.

Бу йил қиш совуқ келади... У бир қўлида қимматбаҳо жемфер, чўнтагида йўл ҳақига етарлигина пул билан ётоқхонага қайтди. Салафан пакетда турган совғага бир тикилиб олди-ю, ғалати бўлди. Энди унга мос сумка сотиб олиш зарур. Курсдошлардан пул сўраб бўлмайди, ўзидан кичик курсдаги танишидан ўн минг сўм қарзга олиб, институт ёнидаги бозорчага чопди. Савдоям қуриб кетсин. Талашиб-тортишиб ўн бир минг сўмга кўндирди. Сотувчи минг сўм қарзини ташлаб кетиш шарти билан “Таваллуд кунингиз муборак бўлсин” деб ёзилган бежирим сумкани унга берди. Хонага қайтганида вақт шомдан оган эди. Сумкага жемферни жойлаб бўлганидан сўнггина қорнининг оч қолганини ҳис қилди.

Кечки овқат пайтида айланиб кирган бўлиб курсдошлар хонасига борганида эшик қулф эди.Ноилож ортига қайтди. Ошхонадан сув ичди тўйгунича. Хонасида китоб ўқиб ётиб ухлаб қолди. Ярим тунда уйғониб кетди. У жуда оч қолганди. Хонада анча вақт тимирскиланиб юриб картошка топди. Ошхонага югурди иккитагина картошкани ёғда қовуриб еди. Тонгга довур кўнгли беҳузур бўлиб чиқди. Шошилинчда ёғни яхши доғ қилмаганди. Тонгда жойидан турар экан сумкадаги совғага алам билан тикилиб қолди. Негадир хўрлиги келди. Ичида “Соат совға қилмай ўл” деган фикр ўтди. Дарс вақти бўлгунга қадар уч, тўрт марта қайта-қайта кийинди ўзини чалғитиш учун. Дарсда ўзидан ҳижолат бўлди. Унинг ошқозони “қўшиқ” айта бошлаган эди. Сўнгги партага ёлғиз ўтирди. Курсдоши эса туғилган куни муносабати билан ҳаммани кечки соат олтига хонасига лутфан таклиф этди. У ҳаммани бирдай таклиф қилган бўлса-да, унинг кўзига “сен аниқ боргин-а?!” деган маънода қарагандай бўлди-ю, ичида “Ҳа, бораман, бормай ўлибманми, очимдан ўлсамам бировдан қарз бўлиб қолиш ниятим йўқ” деган гап ўтди. Пешинга бориб унинг боши оғрий бошлади. Кимдир болға билан ургандай икки чаккаси зириллаб оғрир эди. Қулоқлари шанғиллай бошлади. Биров гапирса худди шамол тургандай қулоғи ғувилларди. Вақтнинг ўтмаётгани эса баттар ғашига тегар, шу онда олти рақами ҳам, туғилган кун ҳам унга ёмон кўрина бошлаган эди. Олтида у курсдошининг хонаси олдида пайдо бўлди, қучоқлашиб кўришди ва нақ бир ойлик пули кетган совғани “арзимаса” ҳам деб ҳадя этди.

Одамнинг кети узилмас, каталакдай хонага ҳамма кириб-чиқар, мусиқа тинмас эди. Фақат угина ҳеч кимга эътибор бермай, дастурхондан бош кўтармаган ҳолда ҳамма нарсадан ер, тинмай кавшанар, гўё шундай қилса бир ойлик озуқа ошқозонига жойланиб қоладигандай.

Ҳамма шоду хуррам ўтирган бу даврада фақат унинггина томоғига йиғи тиқилиб турар, йиғлаб юбормаслик учун ҳам кавшанаётган эди.

**Сарвиноз САКСОНОВА,**
**“Саҳна ва экран санъати драматургияси” йўналиши 3-босқич талабаси**

Муассис:
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
*Бош муҳаррир*
**Озода БЕКМУРОДОВА**

**Таҳрир ҳайъати:**
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Антонино КОШЕЛЕВА
Рашид УСНАТОВ
Муҳаррам БОЗОРОВА
Шавкат Дўстмуҳаммад

Саҳифаловчи-дизайнер:
Илҳом ЖУМАНОВ

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99890 374-24-25;
+99871 230-28-13
www.dsmi.uz; dsmi_info@olam.uz

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами — А3, ҳажми — 2 босма табоқ. Нусхаси — 1400 дона. Баҳоси келишилган нарҳда. Чоп этишга 27.01.2017 да топширилди.

Газета ҳар ойнинг охирги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади. Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан 2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

1 2 3 4 5